

ТАЪЗИЯ

ТАЪЗИЯ

إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ



14:42 / 11.01.2021 1759

«Ҳилол» нашриёт-матбааси ҳамда Ислому.уз портали жамоаси Андижонлик машҳур устоз Одилжон қорининг фарзандлари Оятуллоҳ қорининг вафоти муносабати билан чуқур ва самимий таъзия изҳор этади.

Ушбу оғир дамларда марҳумнинг аҳли байтларига, Аллоҳ таолодан сабру жамил тилаймиз.

Аллоҳ таоло марҳум қорининг барча хайрли ишларини, солиҳ амалларини хусни қабул айлаб, Ўз мағфиратига олсин, охиратларини обод қилсин.

Оятуллоҳ қори Қосимов 1986 йил Андижон шаҳрида таваллуд топган. Ёшлигидан отаси Абдулбоқий қори даданинг пешқадам шогирдларидан Одилжон қори ака қўлидан таълим олишни бошлаган. Оятуллоҳ қори Қуръони Каримнинг ҳофиси бўлиш билан бирга, Андижондаги «Эски Гумбаз» жоме масжидида имом- хатиб ёрдамчиси бўлиб хизмат қилган. Кўплаб намозхонлар ва Қуръон шайдолари Оятуллоҳ қорининг гўзал қироатларини тинглаш учун ушбу масжидга ташриф буюрар эдилар.

Аллоҳ таоло Оятуллоҳ қорини Ўз раҳматига олиб, Қуръон шафоатини насиб этсин. Қолган ота-она ва аҳлларига сабри жамил, ажри азимлар ато қилсин.

«Сабрлиларга хушxabар берингки, улар ўзларига мусибат етганда «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз», деганлардир».

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

«Биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз»,

Islom.uz портали